



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING  
**BUYRUG'I**

2020 yil "25" 05 \_\_\_\_\_

№ 145 \_\_\_\_\_

Toshkent sh.

**Даволаш-профилактика муассасаларида халқ таботати  
фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4668-сонли "Ўзбекистон Республикасида халқ таботатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалаларида халқ таботатининг замонавий тиббиёт билан ҳамкорлиги ва интеграциясини назорат қилиш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика халқ таботати илмий-амалий маркази **бир ой муддатда** бирламчи тиббий ҳисобот шакллари ишлаб чиқиб, Соғлиқни сақлаш статистикаси ва ҳисоблари бўлимига тақдим этсин.

3. Тошкент тиббиёт академияси ва республика тасаруффидаги барча даволаш-профилактика муассаса раҳбарлари иловада кўрсатилган касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалаларида халқ таботатининг замонавий тиббиёт билан ҳамкорлиги ва интеграциясини даволаш-профилактика муассасаларида назорат қилиш тартиби асосида ишлар ташкил қилинишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳри ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, республика даражасидаги даволаш-профилактика муассасалари раҳбарларига **2020 йил 25 май кунидан бошлаб:**

туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасидаги кўп тармоқли поликлиникаларда халқ таботати хона (палата)сини ташкил этиш;

ушбу муассасалар тиббиёт ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида 1 нафар халқ таботати шифокори учун штат ажратиш;

халқ таботати шифокори штати лавозимини халқ таботати усуллари бўйича малака оширган малакали шифокор-мутахассислар билан тўлдириш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

А.Шадманов

002020

**Касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш  
масалаларида халқ таобатининг замонавий тиббиёт билан ҳамкорлиги  
ва интеграциясини назорат қилиш  
ТАРТИБИ**

**Умумий қоидалар**

Халқ таобати усуллари қўллаш билан кўрсатиладиган тиббий хизматлар аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда қўшимча усул сифатида маслаҳатлар бериш, диагностика қилиш, даволаш ва реабилитация шаклида тегишли амбулатория ва стационар турдаги давлат тиббиёт ташкилотларида амалга оширилади.

Халқ таобати усуллари қўллаш орқали тиббий хизмат кўрсатиш фаолияти билан халқ таобати бўйича ихтисослашувдан ўтган ёки халқ таобати усуллари бўйича курсларни тугатган шифокорлар, Соғлиқни сақлаш вазирлигида Махсус комиссиядан рухсат олган ҳамда Халқ таобатини ривожлантириш марказларида махсус ўқув курсини тугатган шахслар шуғулланишлари мумкин.

Давлат тиббиёт муассасасида халқ таобатининг замонавий тиббиёт билан ҳамкорлиги ва интеграциясини таъминлаб бориш муассаса раҳбарига юклатилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида беморларни халқ таобати мутахассислари томонидан қабул қилиш даволовчи шифокор кўригидан сўнг амалга оширилади.

Мурожаат қилган беморни диагностика қилиш ва даволаш услублари тиббий муассаса даволовчи шифокори билан халқ таобати шифокорининг (мутахассиси) биргаликдаги тайинлови орқали амалга оширилишига рухсат берилади.

Халқ таобати бўйича шифокор (мутахассис) томонидан амалга оширилган барча тиббий текширувлар, маслаҳат ва тавсиялар ҳамда даволаш усуллари беморнинг амбулатор картасига ёки касаллик тарихига мажбурий тарзда киритиб борилади.

**Халқ таобатининг эътироф этилган усуллари**

**Биринчи гуруҳ** – инвазив (тери бутунлигининг бузилиши билан боғлиқ) акупунктура, су-джок терапия, хижома.

**Иккинчи гуруҳ** – ноинвазив усуллари қўлловчи халқ таобати: мануал терапия, акупрессура.

**Учинчи гуруҳ** – биологик инвазив воситаларни қўлловчи халқ таобати: гомеопатия, гирудотерапия, апитерапия.

**Тўртинчи гуруҳ** – парҳез ва ўсимлик воситаларини қўлловчи халқ таобати: фитотерапия, очлик билан даволаш.

## **Халқ табобатининг замонавий тиббиёт билан ҳамкорлиги ва интеграциясини назорат қилиш**

Халқ табобатининг замонавий тиббиёт билан ҳамкорлиги ва интеграциясини назорат қилиш икки усулда олиб борилади.

### **Биринчи усул:**

Давлат тиббиёт муассасасида тизимдаги юқори турувчи ташкилот ёки ваколатли бошқармалар орқали касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалалари бўйича ўтказадиган ҳар қандай ўрганиш орқали амалга оширилади.

Бунда ўрганиш ва текшириш якуни бўйича расмийлаштириладиган маълумотнома ва далолатномаларда ушбу муассасада халқ табобати усуллари кўлланиш даражаси алоҳида кўрсатиб ўтилиши мажбурий талаб ҳисобланади.

Касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалаларида халқ табобатининг замонавий тиббиёт билан ҳамкорлиги ва интеграцияси давлат тиббиёт ташкилотларида беморга юритилган тиббий ҳужжатлар орқали ўрганилади.

Ўрганиш ёки текшириш якуни бўйича расмийлаштирилган маълумотнома ёки далолатноманинг халқ табобатининг замонавий тиббиёт билан ҳамкорлиги ва интеграциясига боғлиқ қисми ўрганиш ёки текширишни ўтказган ташкилот ёки ваколатли бошқарма томонидан Республика халқ табобати илмий-амалий марказига мажбурий тарзда юборилади.

### **Иккинчи усул:**

Халқ табобати усуллари кўллаш, замонавий тиббиёт билан ҳамкорлиги ва интеграцияси билан боғлиқ ҳолатлар туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасидаги кўп тармоқли тиббиёт муассасаларида тиббиёт статистикасининг кўрсаткичлари сифатида рўйхатга олинади ва ҳар чорак якуни бўйича ҳудудий соғлиқни сақлаш статистика бўлимларига ҳисобот топширилади.

Республика халқ табобати илмий-амалий маркази йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Хайъат кенгашига ўз фаолияти тўғрисида берадиган маълумотида халқ табобатини замонавий тиббиётга интеграцияси юзасидан ахборот беради.

Халқ табобатини кўллаш, замонавий тиббиёт билан ҳамкорлик ва интеграция қилиш бўйича самарали деб топилган усуллари Республика халқ табобати илмий-амалий маркази томонидан туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасидаги давлат кўп тармоқли тиббиёт муассасалари амалиётда кўллаш учун юборилади.

### **Яқунловчи қоида**

Мазкур Тартиб талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.